



ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ: ЯНГИ МАҚСАДЛАР, ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ОПТИМАЛ ТИЗИМИ

Мадумаров Талантбек Толибжонович

Андижон давлат университети факультет декани ю.ф.д., проф

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6139574>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 10 - fevral 2022

Ma'qullandi: 15 - fevral 2022

Chop etildi: 20 - fevral 2022

KALIT SO'ZLAR

“Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капитални ривожлантириш”

ANNOTATSIYA

Инсон шундай хилқатки, ҳамиша тараққиётга интилиб яшаши билан бирга ўзи томонидан яратилган янгилик ва қулайликлар вақт ўтган сари унинг эҳтиёж ва мақсадлари амалга оширилишига етарли бўлмай қолади. Албатта бу бутун дунёда рўй бераётган янгиланишларнинг энг асосий мезони саналади.

Бу ўринда мамлакатимиз мисолида ўтган йилларга назар солиб, англашимиз мумкинки кенг кўламли ислохотларнинг гувоҳи бўлдик. Ҳар бир соҳадаги ўзгариш, татбиқ этилган бошқарувнинг замонавий усул ва шакллари, амалиёт, лойиҳалар, инсон фаровонлиги ва унинг кадр-қимматини оширишга қаратилган манзилли чоратадбирларнинг барчаси амалда ўз натижасини бера бошлади. Йиллар давомида турли соҳаларда нафақат фуқароларга қулайлик яратилди балки хизмат кўрсатишнинг соддалаштирилган ва замонавий технологиялар асосида тадбиқ этилаётган жиҳатлари оммалашди. Эндиликда бошқарувнинг давлат-жамият-инсон тамойили ўрнига, амалда инсон-жамият ва давлат тамойилига асосланган янги ва демократик

механизмларнинг жорий этилиши, аҳолининг давлат бошқарувида бевосита иштирок этишини таъминлашга қаратилган механизмларнинг жорий этилиши асосида янгидан-янги креатив ёндошувларнинг бевосита иштирокчиси сифатида юксалишлар тенденциясининг кузатувчиси эмас аксинча иштирокчиси сифатида юртимизнинг ҳар бир фуқароси бошқарувнинг фаол аъзосига айланмоқда. Бу эса ўз ўрнида халқ томонидан берилган ваколатлар асосида мамлакатимизнинг бевосита бошқарувига масъул бўлган муҳтарам юртбошимизнинг янги бошқарув ва ислохотлар стратегиясини ишлаб чиқишга ва уни амалда тадбиқ этишга бўлган шижоатини вужудга келтирди.



Яъниким давлатимиз раҳбари ўз ваколатларига киришган дастлабки кунлардан бошлаб, келгусида амалга оширишга қатилган табир жоиз бўлса “Портлаш эффекти”ни вужудга келтира оладиган ислохотлар занжири яратувчисига айланди.

2022 йил 28 январь куни қабул қилинган ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан танишиб чиққан ҳар бир шахс шу кунгача Юртбошимиз томонидан билдирилган таклиф, амалга оширилган ислохотлар тизимли равишда аниқ бир мақсадга йўналтирилганлиги ҳамда келгусида Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишга пойдевор асос сифатида хизмат қилишига мўлжаллаб амалга оширилганига яна бир бор амин бўлади.

Жумладан тараққиёт стратегиясининг **“Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капитални ривожлантириш”** деб номланган тўртинчи устувор йўналишида қуйидаги мақсадларнинг белгиланиши, яъни:

- Олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш, бунда кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида қабул параметрларини 2022 йилда ошириш, шунингдек, 2022 йилда ёшларни олий таълим билан қамров даражасини 38 фоизга етказиш, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини олий таълим муассасалари томонидан мустақил белгилаш тартибини жорий этиш, 2026 йилда қабул кўрсаткичини камида 250 мингга етказиш, давлат олий таълим

муассасаларига академик ва молиявий мустақиллик бериш, шу жумладан улар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимлар сони, тўлов-контракт миқдори ва таълим шаклини мустақил белгилаш амалиётини йўлга қўйиш, давлат олий таълим муассасаларининг тегишли ҳуқуқ ва ваколатларини аниқ белгилаш олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш билан бирга натижадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, 2026 йилга қадар 10 та салоҳиятли олий таълим муассасасини QS ва THE халқаро рейтингларига киришга мақсадли тайёрлаш мақсадида олий таълим муассасаларининг QS ва THE халқаро рейтингларига кириши учун мақсадли дастурни ишлаб чиқиш, 10 та салоҳиятли олий таълим муассасасини танлаш, салоҳияти ва ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, халқаро рейтингларга киритиш бўйича 5 йилга мўлжалланган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларини халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгашлашига ва таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Тараққиёт стратегиясининг ушбу устивор йўналишида белгиланган қуйидаги мақсадлар ва уларни амалга ошириш чора-тадбирлари яъни қарийб 100 минг ўринли талабалар турар жойларини барпо этиш.

2026 йилгача нодавлат олий таълим ташкилотлари сонини камида 50 тага етказиш, 2022 йилда Навоий,



Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида камида 1 тадан нодавлат олий таълим ташкилотини ташкил этиш орқали уларнинг жами сонини 34 тага етказиш, Қорақалпоғистон Республикасида 5 та нуфузли маҳаллий ва хорижий олийгоҳларнинг филиалларини ҳамда Тошкент вилоятида 5 минг нафар талабага мўлжалланган Нурафшон давлат университетини ташкил этиш, Андижон вилоятида 4 та хусусий олийгоҳ ташкил этиш. Натижада ҳудуддаги ёшларни олий таълим билан қамровини 23 фоиздан 50 фоизга етказиш, Наманганда келгуси 5 йилда 7 та олийгоҳ ташкил этиб, жами олий ўқув юртлари сони 10 тага етказиш, Самарқанд шаҳрида 20 минг нафар талабага мўлжалланган «Ёшлар шаҳарчаси»ни барпо этиб, унда камида 4 та хорижий университетнинг филиал ва кампусларини жойлаштириш. Хорижий давлатларнинг етакчи техника университети билан биргаликда Самарқанд технология университетини ташкил этиш, Урганч давлат

университети қошида Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги халқаро математика маркази ва жамғармасини, Ўзбекистон давлат хореография академиясининг Урганч филиали ва унинг қошида Урганч бошланғич рақс санъати мактаб-интернатини ташкил этиш. 2026 йилга қадар республика ҳудудларида камида 1 тадан нодавлат олий таълим ташкилотларини ташкил этиш орқали уларнинг сонини 50 тага етказиш орқали эса иқтисодиётимизнинг келажаги ишончли қўлларда бўлишини таъминлашга эришилади.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу Тараққиёт стратегиси мамлакатимиз ривожига қабул қилинган концепция ва стратегиялардан алоида хусусияти шундаки, ҳар бир ҳудуднинг хусусияти, аҳолининг талаблари, ижтимоий зарурат, мавжуд муаммоларва уларни ечишнинг энг оптимал ва самарали механизлари билан йўғирилганлигидадир.